

QILA DAVRASIDA

Mustahkam oila – yurt tayanchi

№ 46
(444)
2020-yil
12-noyabr
payshanba

www.od-press.uz

Ijtimoiy-siyosiy, ma`naviy-ma`rifiy gazeta

Gazeta 2012-yil may oyidan chiqa boshlagan.



КАДРИЯТЛАР ТРАНСФОРМАЦИЯСИ

Ўзбекистон мазкур глобал жараёндан қандай сабоқ ва хулосалар чиқариши керак?

6-бет

ШОХИЛ ЁКИ ФОЗИЛА

**БИЗ ҚУРАЁТГАН ЖАМИЯТ
ҲАҚИДА ФОРОБИЙ НИМА ДЕГАН БЎЛАР ЭДИ?**

3-бет

«Оила даврасида» газетасига

2021 ОБУНА бошланди

«Оила даврасида» – энг арзон, энг қизиқарли ва оилангизнинг ҳар бир аъзоси учун энг фойдали нашр!



«Оила даврасида» бу – ўз фикрингиз, мулоҳазангиз, муносабатингиз билан чиқишингиз мумкин бўлган эркин минбар!



**ОБУНА
БЎЛИШГА
ШОШИЛИНГ!**

Батафсил маълумот:

+99897731-87-01

Обуна индекси –

193

«ОҚ» ВА «ҚОРА» КЎЗЙОНКЛИЛАР

ёхуд чинакам халқ бўлишимизга қайси унсурлар ҳалал бермоқда?

7-бет

РАСУЛИ АКРАМ МЎЪЖИЗАЛАРИ

Бир дуонинг каромати

6-бет

НУРАФШОН

«Ақлли шаҳар» бўлиш тараддудида

4-бет

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДАГИ ЖИДДИЙ ҚАДАМ

Тиббиётнинг янги даври бошланмоқда...ми?

Президентимиз раислигида жорий йил 6 ноябрь куни соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинини такомиллаштириш ҳамда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида тизимда мавжуд муаммолар комплекс таҳлил қилиниб, соҳани ривожлантириш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилди.

Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Амрилло ИНОЯТОВ ЎзА мухбирига мазкур йиғилишда тизимни ривожлантириш, хусусан соҳа ходимларининг меҳнатини муносиб кадрлаш, малакали кадрлар тайёрлаш, хорижий тиббиёт марказлари ва олийгоҳлари билан илмий-амалий ҳамкорликни кучайтириш борасида белгилаб берилган вазифалар аҳамияти ҳақида сўзлаб берди.

– Эндиликда тиббиёт ходимлари бирорта қўшимча ишга жалб қилинмайди. Тиббиёт йўналиши ходимларини узоқ йиллардан буён қийнаб келаётган ушбу муаммони ҳал этиш юзасидан давлатимиз раҳбари мазкур йиғилишда алоҳида топшириқ берди. Бир қарашда оддий кўринган ушбу ҳолат йиллар давомида тизим фаолияти самарадорлиги, сифати, умуман олганда, соғлиқни сақлаш соҳасининг барча бўғинларига салбий таъсир кўрсатиб келган эди.

Қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларда 20 мингдан зиёд шифокор штаги мавжуд бўлгани ҳолда бирламчи тиббиёт бўғини – касалликларни эрта аниқлаш ва олдини олишга масъул бўғинда 12 минг мутахассис ишлаётганининг ўзиёқ муаммонинг кўлами кенглиги ва жиддийлигидан далолат беради, албатта.



Шу боис давлатимиз раҳбари қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникалардаги тиббий хизмат тизими, шифокорлар ва ўрта тиббиёт ходимларининг вазифа ва функцияларини тўлиқ қайта кўриб чиқиш зарурлигини айтди.

Илғор хорижий тажриба асосида умумий амалиёт шифокорини ҳақиқий оилавий шифокорга айлантиришимиз, улар ҳар бир хонадонда 5 нафар фуқаро бўладиган бўлса, демак ўшаларнинг ҳар бирининг организмни алоҳида билиши, алоҳида ўрганиши зарур. Халқимизнинг дори-дармон билан эмас, соғлом турмуш тарзи, тўғри овқатланиш орқали соғлом бўлишига эришишимиз лозим.

Оилавий шифокорларга ёрдам бериш учун терапия, пе-

диатрия, акушерлик ва патронаж бўйича тиббиёт бригадалари ташкил этилади. Бу бригадалар ўзларига бириктирилган оилалар кесимида «тиббий харита»лар шакллантириб, манзилли иш олиб боради. Аҳолининг саломатлик ҳолати баҳоланиб, электрон базаси яратилади. Бунинг учун тиббиёт ходимлари планшет, мобил диагностика воситалари билан таъминланади.

Беш ёшгача бўлган болалар, ҳомиладор, туғиш ёшидаги ва 35 ёшдан ошган аёллар, 40 ёшдан ошган шасхлар доимий назоратга олиниб, скрининг текширувлари ўтказилади. Касалликка мойил бўлганлар индивидуал патронажга олинад.

Яна бир янгилик – олис ва чекка ҳудудлардаги бирламчи бўғин тиббиёт тизими учун

«Қишлоқ шифокорлари» дастури жорий қилинади.

Келгуси йилда тиббиёт олийгоҳлари бўлмаган Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Навоий ва Сирдарё вилоятларида тиббиёт олийгоҳларининг филиаллари ёки факультетлари ва клиник базалари, жумладан, нуфузли хорижий тиббиёт олийгоҳларининг қўшма таълим дастурлари ташкил этилади. Ҳар бир вилоятда Сирдарё вилояти тажрибаси асосида тиббиёт кластерлари ташкил этилади.

Давлат бюджети ҳисобидан тиббий муассасаларга жуда қиммат тиббий асбоб-ускуна, айниқса пандемия даврида энг замонавий жиҳозлар олиб берилди. Аммо бу жиҳозлар бугун самарали ишляпти, дея айта олмаимиз.

Эндиликда аҳолига юқори сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш, тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш мақсадида замонавий тиббий кластер яратилади. Тиббий кластернинг таркибида кадрлар тайёрлаш масаласи ҳам алоҳида ўрин олади. Бир сўз билан айтганда, тиббий кластер барча йўналиш бўйича касалхоналарни бир манзилга мужассамлайди. Бу ерда биринчидан, бошқарув тизими такомиллашади. Иккинчидан, ўша ердаги моддий техник база мустаҳкамланади. Энг муҳими, халқимиз кафолатланган тиббий хизматдан фойдаланади.

Шахноза МАМАТУРОПОВА
ёзиб олди.

ЭШИТДИНГИЗМИ?

«Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарори имзоланди.

Унга кўра, аҳоли саломатлигини таъминлаш мақсадида:

а) 2021 йил 1 июндан бошлаб:

6-23 ойлик болалар учун уй шароитида тайёрланган овқатларни бойитиш мақсадида микронутриент кукуни билан;

6 ойликдан 5 ёшгача бўлган болалар «А» витамини билан;

2-10 ёшдаги болалар гельминтоз профилактикаси бўйича махсус препаратлар билан бепул таъминланади;

б) 2022 йил 1 июндан бошлаб:

ҳомиладор ва бола эмизувчи аёллар ҳамда 3-15 ёшдаги болалар йод препарати билан;

35 ёшгача туғиш ёшидаги аёллар темир ва фолий кислотаси препарати билан бепул таъминланади;

в) 2021 йил 1 апрелдан бошлаб биринчи нав бугдой уни билан бир қаторда олий нав бугдой уни микронутриентлар билан бойитилган тақдирда республика ҳудудида реализация қилишга руҳсат этилади.

Қизлар овози жаранглаганда

Жорий йилда Ёшлар иттифоқи қошидаги «Қизлар овози» клуби негизида «Қизлар овози» мактаби ташкил этилганидан хабарингиз борми? Аввалига, мен ҳам, буни шунчаки хўжакўрсинга ўтказилаётган бир лойиҳа бўлса керак, деб ўйлаган эдим. Аммо пандемия вақтида онлайн тарзда дарс ўтишни давом эттирган ушбу мактаб бутунлай бошқача экан. Бу мактабда ўзим ҳам ўқиб, аввалги фикрим бутунлай хато эканини англадим.

Мактабнинг саралаш босқичи ва дарслар онлайн тизимда «Zoom» дастурида амалга оширилди. Ушбу мактабга мен ҳам тенгдошларим ва опа-сингилларим қаторида суҳбат асосида қабул қилиндим. Дарслар саккизта йўналиш бўйича бўлиб ўтди. Юртимиз ва хорижлик экспертлар бир ой давомида махсус дарслар (семинар ва вебинарлар) ўтказди. Мисол учун, «Лойиҳалаштириш ва бошқарув модули спикери – Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи марказий кенгаши раиси Акмал Жумабоевнинг «Жамоада самарали иш олиб бориш» мавзусидаги чиқиши менда катта таассурот қолдирди. У

ҳар бир раҳбар ўз жамоадошлари билан биргаликда, яқдилликда иш олиб борса, бундай раҳбар ва жамоа жамиятнинг ривожига ўз ҳиссасини қўша олиши мумкинлигини исботлаб берди. Халқаро маданият ва санъат менежери, креатив тадбиркорлик бўйича халқаро тоифадаги тренер Сардор Газийевнинг дарслари қизларга катта мотивация берди. Ўз мақсадига эришиш йўлида ҳеч қачон таслим бўлмаслик кераклигини шунчалик чиройли тушунтириб бердики, ҳозиргача ҳам қизларнинг жамиятдаги ўрни борасида қанча-қанча хатога йўл қўяётганимизни англаб етдим.

«Америка овози» нашри мухбири Навбахор Имамова касбини севиши ва соҳасидаги неча йиллик қийинчиликларни қизларга сўзлаб берди ва уларнинг чексиз меҳр-мухаббатига сазовор бўлди. Шахсан ўзимда шу аёлнинг сабр-тоқати, ўз касбининг устаси эканлиги, барча синов ва қийинчиликларни самимий табассуми билан енгиб ўтганлиги катта таассурот қолдирди. Дарслар давомида менга нотаниш бўлган соҳаларнинг нозик ва муҳим жиҳатларини билдим ва ўргандим. Ҳар бир модул менинг билимимни оширди ва дунёқарашим бутунлай ўзгарди.

Ушбу мактаб ҳар бир қизни янги ғалабалар ва марралар сари етаклади, десам муболаға бўлмайди. Юртимиздаги турли қатламга мансуб қизларни бир жойга жамлаб, уларга фикр алмашув жараёнини тақдим этгани ушбу мактабнинг энг катта ютуқларидан бири, деб ҳисоблайман. Бу мактаб ҳар бир қизнинг ҳаётидаги унутилмас лаҳзаларни, кўникма ва билимни, тажрибани тақдим этди. Ҳар бир спикернинг



чиқиши қизларга катта мотивация ва куч-ғайрат бериш билан бир қаторда, қизларга оилага, катта ҳаётга кадам қўйишда асқотадиган маълумотлар тақдим этилди. Бир ой давом этган ушбу мактабни тамомлаганимиздан сўнг спикерларнинг имзоси туширилган сертификатлар олдик.

Ўйлайманки, биз, мактабнинг илк қалдирғочлари ўзимизга билдирилган ушбу ишонччи оқлаймиз.

Мухлиса МАШРАБОВА,
Анджон давлат университети талабаси,
«Қизлар овози» мактаби битирувчиси

Биз кураётган жамият:

ФОЗИЛ ЁКИ ЖОХИЛ?

Бу ҳақда Форобий нима деган бўлар эди?



Буюк аллома бобокалони-миз Абу Наср Форобий ўрта асрлар даври табиий-илмий ва ижтимоий билимларининг қарийб барча соҳаларини ўз ичига олган 160 дан ортик рисола яратиб, ҳақли равишда «Муаллими соний» ёки «Шарқ Арастузи» унвонини қозонган. Форобийнинг илмий мероси бугунги кунда ҳам кўплаб мамлакатларда алоҳида эътибор билан ўрганилаётгани унинг асарлари замонлар оша ўз долзарблиги ва аҳамиятини йўқотмай келаётганидан дарак беради.

Алломанинг шоҳ асарларидан бўлмиш «Фозил одамлар шахри» рисоласидан айрим қайдларни келтириб, бугунги ҳаётимизнинг манзараларини, аниқроғи, XXI юз йиллик башариятининг киёфасини 11 аср аввал яшаб ўтган буюк Форобий битиклари воситасида ифодалашга қарор қилдик.

Асарда фозиллар шахри аҳолиси учун умумий бўлган хусусиятлар ҳақида сўз борар экан, фозил инсон ҳодисаларни (яхши-ёмонни) исботлаш ё дил сезгиси билан билиб олиши, бундайлар донишманд бўлиши таъкидланади. Ихлос билан донишмандларга эргашганлар уларнинг билимларини ўзлаштиради. Қолганлар эргашганларнинг тасаввурларича тақлид орқали билим олади. Шунда умумий хилкатлар ҳақида ҳеч қандай баҳсга, сохта донолик ва ногўғри тушунчаларга асосланган мунозаралару улар якунида қабул қилинадиган терс хулосаларга ўрин қолмайди.

Жаҳолатдаги шахар одамлари эса бошқа тоифадир. Улар дунё саодатини обрў-иззат ва мол-дунё ҳамда улар келтирувчи роҳатлардан иборат билгани учун фозиллар шахри қонунларини бузиш, ҳақиқатга алоқадор нарсалардан узоклашиш, фозил хусусият ва тасаввурларни бошқача акс эттиришга уринади. Чунки, тор доирадаги жохил ва тубан мақсадларига эришишда уларга ҳеч қим тўскинлик қилмаслиги керак.

Форобий бундай тоифа одамларни фазилатли шахарлар жамоаларига қабул қилмаслик зарурлигини уқтиради.

Бугунги Ўзбекистон жамиятини оладиган бўлсак, объектив нуқтаи назардан мамлакатимиз фозил шахардир. Юртимизда бошқарув қобилиятига эга имомлар (раҳбарлар), одамларга ҳодисаларни тўғри билдирадиган донишлар (барча даражадаги устозлар), фозил одамлар – ҳаммаси мавжуд. Лекин шулар қаторида жаҳолатдаги шахар одамлари ҳам ёнма-ён яшамокдаки, бу кўплаб муаммоларни келтириб чиқармоқда. Аҳоли орасида яккам-дуккам учрайдиган ана шундай тоифа вакиллари бутун жамиятни «фазилатли» мақомдан «жохил» даражасига туширмоқда.

Барчамиз оммавий ахборот воситалари орқали масъулиятсиз раҳбарлар, коррупционерлар, жиноятчилар ва бошқа турдаги жохил тоифа тўғрисидаги хабарлар билан танишамиз.

Масалан, ижтимоий барқарорлик ва жамият истиқболининг тамалини ташкил этувчи таълим-тарбия ва соғлиқни сақлаш тизимларида рўй бераётган хунук ҳодисалар мамлакатимизни фазилат йўлидан жаҳолат йўлига буришга интилаётганлар йўқ эмаслигини, бундай ҳодисаларнинг такрор-такрор юз бериши эса жохилларнинг сафи торамайётганини билдиради.

Кимдир буни глобаллашув таъсиридаги иқтисодий жараёнлар, кимдир «оммавий маданият» ёки шунга ўхшаш замонавий муаммолар таъсирига йўйиши мумкин.

«Ҳақиқий бахт-саодатга етишув йўлида бир-бирига ёрдам бериб, ахши амаллар қиладиган инсонлар шахри фозила шахар, яъни фозил одамлар шахридир. Инсон барча аъзолари солим, бутун, мукамал ишлаб турганида соғлом бўлганидай, бутун аҳолиси гўзал хулқли бўлган, ахши амаллар қиладиган ва бир-бирига ёрдам берадиган шахар фозил одамлар шахридир».

Лекин Форобий бобомиз 11 аср аввал башариятни бундай иллатлар илгаридан ташвишга солиб келганини қайд этган.

Хусусан, аллома «Фозил одамлар шахри»да жаҳолатдаги шахарларнинг бир неча турларини келтиради.

Зарурий эҳтиёжлар шахри аҳолиси фақат бадан учун зарур бўлган нарсалар – озиқ-овқат, ичимлик, кийим-кечак, турар жой, шахвониятни қондириш қабиларга эришиш учун бир-бирига ёрдам беради.

Айирбош қилувчилар шахри одамлари мол-дунёга эришишда ўзаро кўмаклашишни ҳаётининг асосий мақсади деб билади.

Разолат шахри аҳолиси ейиш-ичиш, жисмоний лаззат, айш-ишрат ва кайф-сафода роҳат топишга интилади.

Обрўпарастрлар шахрида одамлар бир-бирини мақтаб, кўкка кўтаришни яхши кўради. Ўзга халқлар уларни улуғлашни истайди, бегоналар олдида улуғвор, шавкатли кўринишни хоҳлайди.

Беномуслар шахри аҳолиси яхши-ёмонни фақат тилда ажратиб, амалда тескарисини қилади.

Бекарор шахардаги одамларнинг қараш ва амаллари аввалроқ фозилларга ўхшаш бўлган, кейинчалик бегона ғоялар кириб келиб, уларни бутунлай ўзгартириб юборган.

Форобий **шахватпарастрлар шахри, амалпарастр ва ҳокимиятпарастрлар шахри** ва **адашган шахар** ҳақида ҳам тўхталиб ўтади. Юқоридагиларга қисқача изоҳ берилган эса-да, кейингилар учун бунинг ҳожати бўлмаса керак.

Хўш, жаҳолатдаги шахарлар одамларининг сифатлари билан танишар экансиз, кўз олдингизда муайян замондошларингиз гавдаландими? Форобий даври билан ҳозирги кун ўртасида аниқ параллеллар вужудга келдими? Жавобингиз – «ҳа». Таассуфки, бу саволларга ҳаммамиз бошни ерга ҳам қилиб, тасдиқ жавобини беришдан ўзча иложимиз йўқ.

Шу боис ҳам жаҳолат иллатларини бирма-бир санаб ўтган улуғ аллома залолат ботқоғига ботмаслик учун одамларнинг бирлашув ва ўзаро ёрдамга эҳтиёжи борлиги ҳақида сўз юритади.

Форобийнинг ёзишича, ҳар бир инсон табиатига кўра ўз эҳтиёжларини қондириш ва камол топиш учун жуда кўп нарсаларга муҳтож бўлади. У ҳамма нарсани ўзи ҳосил қила олмани боис турли касбдаги бошқа инсонлар хизматига эҳтиёж сезади. Шу тарика одамлар жамоаларга бирлашади.

Бу жамоалар тўлиқ ва тўлиқсиз бўлади. Тўлиқ жамоалар уч турга бўлинади – буюк (бутун ер юзи аҳолиси), ўртача (маълум бир халқ) ва кичик (шаҳар).

Қишлоқ, маҳалла ва оилалар тўлиқсиз жамоалардир.

Энг яхши неъматлар ва энг мукамал нарсалар шахардан топилади.

Унда кичик жамоаларда камолотга



«Ҳақиқий бахт-саодатга етишув йўлида бир-бирига ёрдам бериб, ахши амаллар қиладиган инсонлар шахри фозила шахар, яъни фозил одамлар шахридир. Инсон барча аъзолари солим, бутун, мукамал ишлаб турганида соғлом бўлганидай, бутун аҳолиси гўзал хулқли бўлган, ахши амаллар қиладиган ва бир-бирига ёрдам берадиган шахар фозил одамлар шахридир», дейди Форобий.

Жамиятни инсон танасига қиёсланадиган фикрини давом эттирар экан, улуғ аллома бадан аъзоларининг ҳаммасига раис – юракка бўйсунса-да, табиатига кўра бир-бирини фарқлинишни қайд этади. Яъни, аъзолар юракка яқинлик жиҳатидан турли мавқе ва даражаларга эга бўлади. Баъзилари раис-аъзога (мамлакат раҳбарига) тўғридан-тўғри (вазирлар, ҳокимлар), айримлари билвосита боғланган бўлади. Сўнг уларга хизмат қилувчилар, кейин уларга хизмат қилувчилар ва яна хизмат қилувчилар бўлади. Юқори мавқедагиларнинг фаолияти оғирроқ, камровлироқ ва муҳимроқ, қуйроқ даражадагиларники енгилроқдир. Инсон танасида ҳамма аъзолар ўзаро мувофиқ ишлаганида ҳаракат мукамал бўлгани каби шахарда ҳам одамларнинг табиати, қобилияти, истак-иродаси, санъат-ҳунарига мос равишда ўзаро мақбул ва маъқул фаолият йўлга қўйилса, у фозил шахар бўлади.

Бу ўринда тана аъзоларидан бирини устун, бошқасини аҳамиятсиз деб ажратмаслик керак, албатта. Чунки, бирининг ишини иккинчиси қила олмайди – кўз кўради, кулоқ эшитади, қўл меҳнат қилади, оёқ юради. Одам қайсидир аъзоси бўлмаса ҳам яшайвериши мумкин. Лекин мукамаллик ҳақида сўз борар экан, замонавий тиббиётнинг қуйидаги янгилигига эътиборингизни қаратмоқчимиз – жим-жилоқ бўлмаса, панжанинг кучи 80 фоиз камайар экан. Бу тажрибада исботланган.

Халқимизнинг доно нақлини ҳам эслаб ўтиш жоиз – подани кимдир боқиши керак, акс ҳолда, яъни ҳамма олим бўлиб кетаверса, гўштсиз қоламиз.

Ҳамма касб ҳам кераклидир. Сочимизни қиртишлаш учун қассобга, нон олиш учун автомобиль устахонасига бормаймиз.

Ҳаммасининг ўз ўрни, ўз аҳамияти бор. Гап инсоннинг ўзига бориб тақал-япти. Фозил одамлар шахрини барпо этиш ҳар бир инсон фозил ё жохил бўлишига боғлиқ бўлиб қоляпти. Бугунги кунда «буюк келажак», «ёрқин истиқбол» каби турли атамалар билан ифодаланадиган фаровон жамиятнинг Форобийча истилоҳи фозил одамлар шахридир.

Ким унинг аъзоси бўлишни истаса, марҳамат, нияти ва феъли билан буни намоеън этсин!

Кимки, жаҳолатдаги шахар қусурларини ташиб юравераман деса, начора... фозиллик йўлида ҳаммани ортга тортаверади.

Хулоса ўзингиздан.



етиш имконияти кам бўлади. Негаки, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, саноат, хизмат кўрсатиш, ҳокимият ва ҳоказо масалалар билан шуғулланувчи муассасалар фақат шахарлардагина мукамал тарзда ташкил топади.

Неъматларга келсак, улар эркин истак-ирода ва эркин танлов билан ҳосил қилинади. Ажабки, ёмонликлар ҳам эркин истак-ирода ва эркин танлов билан содир этилади. Демак, истак-ният яхши бўлса, шахар аҳолиси маънавий камол топади, фаровонликка эришади.

«Яқин-яқингача ҳам «Тошкент вилоятининг маъмурий маркази қаерда?» деган саволга жавоб йўқ эди. Вилоятнинг каттаю кичик идоралари ҳам пойтахтда жойлашган, вилоятга ташриф буюрган бирор расмий меҳмонни ҳам албатта Тошкент шаҳри томон бошлашга тўғри келар эди. Хуллас, Тошкент вилоятининг маъмурий марказини ташкил этиш, унга яхши ниятлар билан Нурафшон деб ном бериш ташаббуси Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилганида бу кўпчиликнинг айна дилидаги гап бўлди. Айниқса, сўлим ва хушманзара масканларга бой, энг кўп меҳмон қадам ранжида қиладиган ҳудудлардан бўлган Тошкент вилояти ўзининг замонавий марказига эга бўлишга ҳар жиҳатдан ҳақли эди.

Хуллас, Нурафшон шаҳри Тошкент вилоятининг маъмурий марказига айланганига эндигина уч йил бўляпти. Шаҳар бунёд этиш осон иш эмас, яна у «нол»дан бошлаб барпо этиладиган бўлса. Лекин мана шу уч йил ичида Тошкент вилояти аҳли ҳақиқатда ўзининг марказига эга бўлишни астойдил истаганини, бунинг учун ҳар қанча ишдан, меҳнатдан қочмасликка тайёр эканини тўла намён этибди. Кунни кеча Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ташаббуси билан Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида «Журналист ва ҳаёт» лойиҳаси доирасида Нурафшон шаҳрига уюштирилган пресс-тур давомида бунга ўзимиз гувоҳ бўлдик.

Нурафшон айна пайтда улкан қурилишлар масканига айланган. Энг муҳими шаҳар узок йиллик ривожланиш режалари асосида, замонавий талаблар асосида бунёд этилмоқда. Ҳар бир йўл, ҳар бир бино бир-бирига уйғун ва келгуси ўн йилликларда қутилаётган ҳолатлар инobatга олинган ҳолда лойиҳалаштирилган. Йўллар кенг ва барча ер ости коммуникация ишларига ортиқча қийинчилик туғдирмайдиган тарзда қурилмоқда.

– Ўйлайманки, яна беш-олти йилдан кейин келсангиз, бу жойларни танитай қоласиз, – дейди **Нурафшон шаҳри ҳокими Қаҳрамон Ҳақимов**. – Бу қурилишларнинг ҳаммаси бошлаётган ишларимизнинг дебочаси, холос. Балки пойтахт билан солиштирганда бу жуда улкан ҳам ҳисобланмас. Бирок «нол»дан бунёд этилаётган шаҳарни уч йил ичида мана шу даражага олиб келишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун вилоят ахлининг катта меҳнати, жасорати, улкан маблағи тикилган. Шаҳарда ижтимоий-иқтисодий ҳаёт тўла йўлга қўйилди, ҳар бир маъмурий идоранинг раҳбаридан тортиб оддий ходимигача оиласи билан Нурафшонга кўчиб келди. Ҳозирда шаҳарда маъмурий бинолар, замонавий

ва қулай турар-жойлар, бизнес марказлар, меҳмонхоналар, спорт мажмуалари, ёшлар ижодиёти маркази, кутубхона, мактаблар, кўп тармоқли шифохона бунёд этилмоқда.

Шаҳар умумий майдони илгари бу ердаги Тўйтепа шаҳарчасидан қарийб 16 бараварга кенгайган бўлиб, айна пайтда 3 минг 248 гек-

си раиси мазкур лойиҳани амалга ошириш бўйича ҳамкорлик тўғрисида бош келишувни онлайн тарзда имзолади.

Ҳужжатда Сингапур компанияси томонидан Ўзбекистонлик ҳамкорлар билан 2021 йил биринчи чорагининг охирига қадар лойиҳанинг техник-иқтисодий асосини ишлаб чиқиш, кейинчалик тасдиқлаш



НУРАФШОН «АҚЛЛИ ШАҲАР»

БЎЛИШ ТАРАДДУДИДА

Тошкент вилояти бўйлаб бир кун



Нурафшон шаҳрида қуриладиган «Ақлли шаҳар» (Smart city)нинг макети

тарга тенг. Мавжуд 22 та маҳалла фуқаролар йиғинида 48 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади.

Шаҳар марказидаги «Тошкент йўли» кўчасида 213 та объект бузилиб, жой эгаларига маҳаллий бюджет ҳисобидан 24 миллиард сўм товон пули берилди. Марказий кўчада 172 та бино ва иншоот қад кўтариши режалаштирилган бўлиб, ҳозирда 78 та объектда бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Асли, Фавқуллода вазиятлар бошқармалари, «Ёшлар маркази», «Қишлоқ қурилиш банк», «Ҳамкорбанк» каби кўплаб объектлар фойдаланишга топширилган.

Нурафшон шаҳрида Марказий Осиёдаги илк «Ақлли шаҳар» (Smart city) қуриш ишлари бошланган. Дарҳақиқат, Нурафшон кўз ўнгимизда том маънода ўзгармоқда, яқин келажакда у мамлакатимиздаги биринчи «Ақлли шаҳар»га айланса ажаб эмас.

«Smart city» бош режасига мувофиқ, лойиҳа концепцияси бир қанча инвесторлар томонидан ишлаб чиқилди. Мазкур таклифлар ўрганилиб, яқинда вилоят ҳокими ва Сингапурнинг «Universal Success Enterprises Limited» компания-

ва замонавий Нурафшон шаҳри қурилишини бошлаш назарда тутилган.

Журналистлар Нурафшон шаҳридаги пайпоқ ишлаб чиқарилган корхонага ҳам боришди. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган сифатли маҳсулотларнинг 90 фоиздан кўпроғи экспорт қилинар экан. Айна пайтда шаҳарда қирқдан зиёд мана шундай корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев илгари сурган беш йўналишдаги муҳим ташаббусга кўра ёшларни муносиб равишда камолга етказиш, уларни маданият ва санъатга, жисмоний тарбия ва спортга интилиши, компьютер технологиялари ҳамда интернетдан самарали фойдаланишига имкониятлар яратиш, китобхонликни кенг тарғиб қилиш, ҳар бир ҳудудга турли мавзулардаги китоблар етказиб бериш, ёшлар ва хотин-қизларни иш билан банд қилиш каби саъй-ҳаракатлар давом этмоқда.

Қуйи Чирчиқ туманидаги «Беруний» МФЙ мисолида мазкур ташаббуснинг намунавий лойиҳаларини кўриш мумкин.

Бир неча йиллар қаровсиз ва таъмирталаб ҳолатда ётган Беруний маданият маркази бугун Маданият вазирлиги томонидан 6,5 млрд. сўм маблағ эвазига тўлиқ реконструкция қилинди. Бинога ёндош ҳудудда Ёшлар инновацион маркази, шунингдек, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тасарруфидаги «Меҳнат гузари» ташкил қилинган. Кутубхона, компьютер хизмати, ўқув маркази, нон маҳсулотлари цехи, тиббий хизмат кўрсатиш каби сервис турлари, шунингдек, фитнес клуби ҳам аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқда.

Маҳаллада Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳомийлигида 4,5 млрд. сўм маблағ ҳисобига 15-сонли мактабгача таълим муассасаси, 48, 52-умумтаълим мактабларини таъмирлаш, пардозлаш ишлари амалга оширилди. Хусусан, 52-мактабнинг катта футбол майдони ва унинг ўриндиқлари янгилашиб, болаларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун зарур жиҳозлар келтирилган. Шу тарика спорт тўғаракларига энг тажрибали

ўқитувчилар жалб этилди. Мактаб биносида Рақамли технологиялар ўқув маркази ҳам ташкил этилган.

Ҳудуд ёшлари ва аёллари бандлигини таъминлаш мақсадида «Ўзпахтасаноат» АЖ томонидан тикувчилик-трикотаж мажмуаси фаолияти йўлга қўйилди. Шунингдек, сендвич панел типидagi пойабзал кийим ишлаб чиқариш цехи ишга туширилди.

Бундан ташқари, аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш, одамларга қулайликлар яратиш учун қирқдан ортиқ оиланинг хонадонлари таъмирлаб берилди. Тоза ичимлик сувдан фойдаланишлари учун янги тармоқ қувурлари ётқизилди. Маҳалла маркази йўли бўйлаб ёритиш таянч устунлари ўрнатилди.

Умуман олганда бешта ташаббус доирасида вилоятда кўплаб ишлар қилинди. Буларнинг барчаси ёшлар муносиб таълим олиши, касб-хунар эгаллаши, замонавий, илғор-инновация технологияларидан фойдаланиши ҳамда аёллар бандлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.





ЧИРОФИ ЎЧМАГАН УЙ

Шу кунларда «Асака» банк томонидан аҳолига тақдим этилаётган хонадонларда уй тўйлари ўтказилмоқда

Ўзбекистондаги йирик молия муассасаларидан бири – «Асака» банк ўз фаолиятини универсаллаштириш учун аниқ дастур асосида иш олиб бориб, мижозлар билан ишлаш бўйича ҳам, кўрсатилаётган хизматларни диверсификация қилиш борасида ҳам ижобий натижаларни қўлга киритмоқда. Ўз навбатида мижозлар сони кундан-кун ортмоқда. Бу эса «Асака» банк ва унинг ҳудудлардаги филиаллари томонидан амалга оширилаётган кенг қамровли ва истиқболли лойиҳалар аҳоли турмуш фаровонлигини ошириб, иқтисодий ривожлантиришга хизмат қилаётганидан далолатдир.

Умид учқунлари

Бир маҳаллар ташландик, кўримсиз манзара касб этган жойлар обод қилинган, бир-биридан чиройли, кўркем турар-жой иншоотлари қад ростлади. Айниқса, кўп қаватли иморатлардаги квартиралар калити қўлга теккан уй эгалари чеҳрасида ўзгача бир кўтаринкилик ва қувонч барқ урарди. Бир-биридан кенг ва ёруғ, шинам квартираларга уй жиҳозларини қандай жойлаштириш хусусида тинмай сўз қотишарди бир-бирларига. Аслида ҳар кимнинг фикри ҳар хил бўлса ҳам, ҳаммасининг кечинмаси, муддаоси бир эди.

Хонадоннинг чироғи ўчмасин, деган гап замирида чуқур маъно мужассам. Негаки, ҳар бир инсоннинг қувончли ва масрур дамлари кечадиган оила даврасининг ўрнини дунёда ҳеч нарса боса олмайди. Дарҳақиқат, чироғи порлаб турган хонадоннинг таровати, файзи узок-узоклардан одамни ўзига оҳанрабодек тортиб туради.

Одамлар турмуш шароитини ўнглаш, яхшилаш давлат сиёсатининг туб мазмунини ташкил этади. Узок йиллар давомида йиғилиб қолган ижтимоий масалалар бугун ўз ечимини топиб, айниқса, эҳтиёжманд оилалар турар-жой билан таъминланаётгани бунинг рўй-рост далили бўла олади.

Аҳолининг уй-жойга бўлган талаби изчиллик билан қаноатлантирилиши кўплаб ижтимоий муаммоларга ечим бўлмоқда. Шу жиҳатдан турар-жой таъминотидаги эзгу амаллар ипотека кредитлари асосида ҳам амалга оширилаётгани, бунда хусусий қурилиш корхоналари муҳим роль ўйнаётгани диққатга моликдир.

Чиндан ҳам мамлакатимизда аҳолининг яшаш шароитларини яхшилаш, эҳтиёжмандларни муносиб уй-жой билан таъминлаш мақсадида аниқ ва мақсадли ишларга қўл урилмоқда. Айниқса, бу борада Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 1 майда имзолаган «Аҳолининг уй-жой шароитини яхшилаш ҳамда ипотека кредити бозорини янада кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан ипотека кредити асосида аҳолига уй-жой берилиши тизимида энг адолатли ва шаффоф тизимга асос солинди. Ушбу муҳим ҳужжат аҳолининг уй-жой шароитларини яхшилаш, ипотека кредити бозорини янада ривожлантириш, хусусий пудрат ташкилотларини уй-жой қурилишига кенг миқёсда жалб қилиш ҳамда уларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадларини назарда тутди. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 1 майдаги қарори билан бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашнинг янги тартиби жорий қилинди. Шунингдек, хусусий пудрат ташкилотлари томонидан ўз маблағлари ва тижорат банкларининг кредитлари ҳисобига қурилган кўп қаватли уйларни бирламчи уй-жой бозорида сотиб олиш учун ипотека



кредитларини ажратишга рухсат этиладиган бўлди. Шу кунга қадар мамлакатимизда тижорат банклари томонидан ипотека кредитлари базавий ҳисоблаш миқдорининг 2500 ва 3000 бараваригача миқдорларида берилар эди. Устига-устак аниқ миқдорлар белгиланмаган эди. Янада аниқроқ айтганда, кўпгина тижорат банклари томонидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 1100 бараваригача миқдорда берилиб, ундан ортиқ суммадаги уй-жойлар учун ипотека кредитлари берилиши бизда мавжуд эмас, деб қараларди.

Эндиликда бундай тартиб бутунлай ўзгарди. Бирламчи уй-жой бозорида сотиб олиш учун бир қарз олувчига ажратиладиган ипотека кредитларининг энг кўп миқдорлари белгиланди ва энди бундан буёғига фуқаролар ушбу белгиланган энг кўп миқдоргача ипотека кредитларини ҳеч қандай монеликсиз олишлари мумкин бўлади.

Янги тартиб асосида Молия вазирлиги маблағлари ҳисобига молиялаштирилдиган ипотека кредитлари «Асака» банк томонидан бозор тамойиллари асосида кўп қаватли уйлардан квартира сотиб олиш учун аҳолига тақдим этиб келинмоқда. Ипотека кредитини беришнинг асосий муддати – 20 йил, фоиз ставкаси кишлоқ жойлар учун 18 фоиз, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят шаҳарлари учун йиллик 19 фоиз, Тошкент шаҳри учун эса 21 фоизни ташкил этади. Тўғри, одамлар орасида ставканинг бироз баландлиги рўй-рост айтилаётган бўлса-да, лекин мазкур қулайлик кўпгина оилаларга манзур келмоқда.

Оқибати хайрли юмуш

Толиб бобо устма-уст ютиниб, кўзларининг атрофини сурп рўмолчага яхшилаб артди. Сўнгра ён-верига қараб, ютиниб қўйди-да томоқ қириб, охишта сўз қотди...

Одамлар унинг гапирмоқчи эканлигини сезиб, диққат билан мўйсафидга

тикилишди. «Тошкентимизнинг шундай кўркем ва гавжум манзилларидан уй олиб тўғри қилибсизлар, – деди Толиб бобо вазминлик билан. – Болаларим, бошпанасиз, зор қақшаб, гирён қоладиган замонлар ортда қолди, тўғри. Энди хотиржам, тинч яшайверинг бемалол. Ҳар нима бўлганда ҳам, оқибат хайрли бўладиган бўлди, омин!..» Қолганлар ҳам «омин!» деб бирваракайига кафтларини юзларига тортишди...

Бугунги кунда «Асака» банк Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида минглаб хонадондан иборат бўлган кўп қаватли уй-жойлар қурилишини молиялаштириш учун пудрат ташкилотларига етарлича кредит линиялари очиб бермоқда. Ҳозир ушбу кредитлар босқичма-босқич бериб борилмоқда. Иншоотлар қурилишида иложи борича маҳаллий корхоналарда тайёрланган маҳсулотлардан фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. Бу жараёнда уларнинг сифати ва чидамлилиги алоҳида назоратга олинган.

Яна бир гап. Амалиётга жорий этилган янги тартиб бўйича тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасидан кўп қаватли уй-жой бўйича етарли суммадаги кредит концепцияси ва кафилликдан фойдаланиш юзасидан шартномалар имзоланишига эришилди. Бу борада ҳам барча ишлар адолат мезонларига мос тарзда олиб борилмоқда. Ҳудуддаги мавжуд филиалларда уй-жой масаласида келиб тушадиган барча саволларга батафсил жавоб берилади. Малакали ходимлар бу ишга жалб этилади.

Зеро, бу уйларда улғайган, камол топган ёш ниҳоллар эрта бир кун шу юрт қорига яраши турган гап. Улар бола – ёшдан, ақл – бошдан, деган нақлга амал қилиб, ўз устларида кунт ва сабот билан ишлашмоқда.

Дард тилга урса

Одамзотнинг дардини кўзидан ётиладиган бемалол англасса бўлади. Дард

тилга урса, киши кўп гапирарди, яъни сўзамол бўлиб қолади-қўяди, агар кўзига урса йиғлайди. Узок йиллар давомида уч-тўрт боласи билан ижара-ма-ижара юрган, дарду дунёси қоронғи кишиларнинг ҳасратидан чанг чиқади. Уларни кузатган, суҳбатлашган киши гап нимадалигини юзи ва кўзидан шундоқкина англаб олиши мумкин.

Шу маънода, кўп қаватли уйлардан квартира сотиб олиб, ўз муқим бошпанасига эга бўлган аҳил, тотув оилаларни кузатганимда ана шундай ҳолатга гувоҳ бўлдим. Янги уй-жойларга кўчиб ўтаётган минг-минглаб оилалар келинчагига меҳр қўйган куёвдек ўз уй-жойларига ихлос қўйишмоқда. Шу ваздан кўнгиллари тоғдек қўтарилган бўлиб, димоғлари чоғ эди. Ахир улар уй-жойли бўлиш учун қанча йиллар кўзлари тўрт бўлишмаган дейсиз. Хайрият, беғам, беташвиш, дам оладиган, оёқни бемалол узатиб ётадиган кунлар узок куттирмади. Бундай хайрли ишларда акциядорлик тижорат «Асака» банк жамоаси ҳам камарбаста бўлиб, қанча-қанча оилалар кўнглида эртанги кунга ишонч чироғини ёқмоқда.

Мамлакатимиз пойтахти ҳамда бошқа ҳудудлардаги илгари бир қадар назардан четда қолган, ташландик, қаровсиз манзилларга бугун жон кирди. Бу ерларда ҳашаматли ва маҳобатли кўп қаватли иморатлар қад қўтармоқда. Натижада бошпанага муҳтож минг-минглаб оилаларнинг узок йиллик орзу-умидлари рўёбга чиқаётир. Мазкур савобга йўғрилган эзгу ишдан «Асака» банк ва жойлардаги филиаллари жамоалари ҳам четда қолаётгани йўқ.

Шаҳар ва кишлоқларда кўп қаватли иморатлар қурилишида энг аввало сифат, кафолат ва чидам деган тамойилларга қатъий амал қилиб келинмоқда. Шу мақсадда бу иш тегишли ташкилотларнинг доимий назоратида бўлиб турибди. «Ўчоғингда ўт ўчмасин, десанг, кўр борида ҳаракат қил». Халқнинг бу нақлига амал қилган қурувчилар иш маромини сусайтирмасдан, уй-жойлар барпо этишга жон-жаҳдлари билан киришмоқдалар.

Бу гал ҳам шундай бўлди. Уй-жой, муқим ва доимий бошпана хонадон сохибларини тушқунлик қобигидан олиб чиқиб, бугунги фарахбахш кунларнинг соғлом кайфияти билан яшашга чорламоқда. Ҳамма гап шундаки, у одамзод кўзида мунг кўрмайин дейди. Ҳечам, сира-сира киприкларига ёш қуйилмасин, кўзларидан қулғу-қувонч, шодлик, масрурлик аримасин. Зеро, ҳар ким бўлса ақлга йўлдош, эҳтиёжмандларга бўлади қўлдош.

Сирасини айтганда, «Асака» банк ўз барқарор ривожланиш ҳамда молия ва хизматлар бозоридаги рақобат мавқеини мустаҳкамлаш йўлида аниқ дастур асосида иш олиб бормоқда. Эришилаётган ижобий натижалар келажақда банкнинг молия бозоридаги мавқеи ва ўрнини янада мустаҳкамлаш, ўз олди-га қўйган вазифаларни муваффақият билан бажариши ва мижозларнинг ишончини янада оширишида асқотиши турган гап.

Улуғбек ЖУМАЕВ

Хизматлар лицензияланган.

ҚАДРИЯТЛАР ТРАНСФОРМАЦИЯСИ

Ўзбекистон мазкур глобал жараёндан қандай сабоқ ва хулосалар чиқариши керак?

« Тараққиёт, шубҳасизки, жамият равнақига хизмат қилади. Бироқ янги мингйилликда у олам ва одам ўртасидаги муносабатлар табиатини ўзгартириб юбораётганига ҳам гувоҳимиз. Глобал миқёсдаги бундай трансформация жараёнида миллатлараро тотувлик, тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш масалалари ҳар қачонгидан-да долзарб аҳамият касб этади.

Замонавий дунё ҳамон умумбашарий таҳдид ва таҳликалар қуршовида қолмоқда. Этник ва диний низолар тинчлётгани йўқ. Улар янгидан-янги уруш ва нафрат ўчоқларини юзага келтирмоқда. Бунинг фонидан наинки манфаатлар, балки турфа маданиятлар тўқнашувини кузатялмиш. Яқинда Францияда содир бўлган ноҳуш воқеалар инсоният ўз қадриятлар тизимини қайтадан кўриб чиқиши, уларни бугунги реалликка мослаштириши зарурлигини кўрсатди. Мавзуга доир саволлар билан этномаданий алоқалар бўйича таниқли эксперт, фалсафа фанлари номзоди **Рашидан НАЗАРОВА**га юзландик.

– Кўпдан буён ҳаммага эталон сифатида кўрсатиб келинган оврўпача қараш ва қадриятлар эндиликда кўхна қитъанинг ўзида ички низоларни келтириб чиқармоқда. Биринчи ва асосий савол: нега?

– Чунки бугунги Европа тубдан ўзгарган.

– Айнан қайси жиҳатдан?

– Охирги 30-40 йил ичида Европа мамлакатлари аҳолисининг этномаданий таркиби сезиларли равишда ўзгарди. Буни мигрантлар оқимининг тўхтовсиз ортаётгани билан изоҳлаш мумкин. Энди Европа кўпчилик тасавуридаги «оқ танлилар қитъаси» эмас. Унда турфа миллат, ирк ва дин вакиллари истиқомат қилмоқда. Масалан, ҳозирги француз жамиятининг 10 фоизини мусулмонлар ташкил қилади. Улар орасида араблар ҳам, ҳинду покистонликлар ҳам, Африкадаги собиқ колониял давлатлардан кўчиб ўтган аҳоли ҳам бор. Бундай ҳолатда ҳукумат, турган гапки, муҳожирлар таркибидан шаклланган Франция фуқароларининг туриш-турмуши, диний ва дунёвий қарашлари, эътиқоди билан боғлиқ туйғуларини ҳурмат қилиши лозим. Бошқа томондан, ўзга юртдан келган инсонлар Европада яшаб туриб, шу жойда қарор топган қадриятлар билан ҳисоблашмаслиги ёки уларни очиқчасига инкор этиши ҳам ғирт бемаъниликдир. Ҳар иккала ҳолат охир-оқибат ички низоларга, этник, иркий ва конфессиявий тўқнашувларга олиб келади. Жамиятдаги радикаллашув илдишларини мана шундай муросасизлик, кескин қарама-қаршиликлардан излаш керак.

Яна бир муҳим гап. Европа узок вақт сўз эркинлиги, демократия, либерализм каби таянч қадриятларини умумбашарий қадриятлар қилиб кўрсатишга, уларни ташки дунёга экспорт қилишга, бошқа халқлар, ўзга маданият вакилларига мажбурлаб сингдиришга уринди. Кўхна қитъанинг асосий хатоси ҳам шунда. Жаҳон ҳамжамияти қадриятлар хилма-хиллигини тан олмас, уларнинг умумий жиҳатларини топишга ва ўзаро уйғунлаштиришга ҳаракат қилмас экан, ер юзида урушлар тўхтамайди.

– Демак, радикализмни тинч йўл билан бартараф этиш мумкин демократия.

– Албатта! Ҳеч бўлмаганда, шунга интилиш керак. Ундан кейин, унутмайлик, радикализм фақат дин ва фақат ислом дини билан боғлиқ тушунча эмас. Радикал гуруҳлар христиан, иудаизм, ҳатто будда-



вийликда бор. Американинг ўзида кўплаб экстремистик ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда.

Бир диннинг турли мазҳаблари, айтайлик, католик, православ ва протестантлар ўртасида ҳам кескин низолар учраб туради. Югославиядаги уруш вақтида православ серблар католик хорватлар билан мусулмон динига эътиқод қилувчи боснияликларга қараганда қаттиқроқ тўқнаш келган. Бундай мисоллар тарихда бисёр. Лекин ишонч билан айтаманки, дунёдаги ҳеч қайси дин одамларни адоватга қақирмайди. Шу маънода, инсоният бошига экстремизм ёки терроризмдек балои офатнинг ёпирилиб келишида мусулмон умматини айблаш, дунёдаги радикал кучларнинг мақсад-муддаосини исломий моҳият билан чоғиштириш мутлақо нотўғри.

– Франция воқеалари кўп нарсаларга кўзимизни очди. Дунё турли бўлақларга парчалангани ва айни вақтда жуда мўртлигини ҳам кўрдик. Албатта, бировларнинг сўз эркинлиги бошқаларнинг муқаддас туйғуларини таҳқирламаслиги керак. Лекин барча эмоцияларни четга суриб қараганда, шахсан ўзимга бу мавзу бироз сиёсий-лаштирилгандек туюляпти. Сиз қандай фикрдасиз?

– Ҳозир гап фақат президент Макроннинг миллионлаб, шу жумладан, Франциядаги мусулмонлар газабини кўзгатган баёноти ҳақида бораётгани йўқ. Аслида бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар замонавий Европа диний, сиёсий, этник қадриятлар билан боғлиқ комплекс муаммолар гирдобиде қолганини яққол намён этди. Буни мен юқорида ҳам таъкидлагандим.

Европада барча муҳожирларни ўз ватанига ҳайдаб чиқаришни талаб қилаётган ўнг радикал кучлар мавжуд. Бироқ бундай ёндашув биронта ҳам муаммога ечим бўлолмайди. Аксинча, ижтимоий-иктисодий бўҳронларни келтириб чиқаради, холос. Бир вақтлар беҳисоб меҳнат мигрантларию очқинларни бағрига олган ва ҳали ҳам олишда давом этаётган Европа мамлакатлари энди уларни ўзиникидек — европалик сифатида қабул қилишга, мана шундай реаллик билан ҳисоблашишга мажбур.

Маданиятлар ва қадриятлар интеграциясини тўхтатишга уриниш бефойда. Демак, бугун Европанинг ўзгаришдан бошқа чораси қолмади.

– Бу қадриятларни ҳам ўзгартириш кераклигини аниқлаётимизми?

– Маълум маънода шундай. Лекин улардан буткул воз кечиш зарур, демокчи эмасман. Ушбу нозик масалада ҳар қайси давлат, аввало, умуминсоний қадриятларга асослангани маъқул. Қадриятлар тўқнашувини дин ва конфессиялар аро муштарак жиҳатларни топиш йўли билангина бартараф этса бўлади.

– Ғарбда хуруж олган исломофобия, табиийки, Ўзбекистонда ҳам ўз акс-садосини бермоқда. Нима деб ўйлайсиз, эмоционал тўлқинни талафотсиз енгиб ўта олаемизми?

– Францияда чоп этилган карикатураларни бутун дунё мусулмонлари оғриқли қабул қилди. Ҳарқалай, бошқача бўлиши мумкин ҳам эмасди. Чунки мусулмонлар қаерда яшаши ва қайси мамлакат фуқароси эканидан қатъи назар, бир уммат вакиллари, бир-бирига дўст, кадрдон ҳисобланади.

Қолаверса, дин мафқуранинг шундай шаклики, унда ҳис-туйғулар сўзсиз устуворлик касб этади. Хайриятки, юртимизда эмоционал реакциядан нарига ўтилгани йўқ. Яъни оммавий намойишлар, қасдма-қасд ҳаракатлар бўлмади. Бу эса ижтимоий онгимиз кўпроқ рационалликка мойил эканидан далолат беради.

Яқин ўтмишда халқимиз радикализмнинг аянчли оқибатларини бошдан ўтказган. Тошкентдаги террорчилик актлари, Андижон воқеалари ҳамон ёдимизда. Бундан ташқари, Афғонистондаги узок йиллик нотинчлик, Тожикистонда юз берган фуқаролар уруши, Қирғизистондаги мураккаб ижтимоий-сиёсий вазият кизиққон юртдошларимизнинг ҳовурини бироз пасайтириб турган бўлса, ажаб эмас.

Бугунги кунда хорижий экспертлар Ўзбекистонда кучли давлат тизими шаклланиганини мамнуният билан эътироф этмоқда. Бу ҳам жамиятнинг эҳтимолли радикаллашувини тийиб турувчи муҳим омил бўлиб хизмат қилишига ишонаман.

Наргиза УМАРОВА
сўхбатлашди.

Европа узок вақт сўз эркинлиги, демократия, либерализм каби таянч қадриятларини умумбашарий қадриятлар қилиб кўрсатишга, уларни ташки дунёга экспорт қилишга, бошқа маданият вакилларига мажбурлаб сингдиришга уринди.

«САҲИҲУЛ БУХОРИЙ»ДА

Расули Акрам
мўъжизалари

Бир дуонинг
каромати

III-жилд, 1982-ҳадис. Анас розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам Умму Сулаймининг хузурига кирдилар. Умму Сулайм у зотга хурмо ва ёғ келтирди. Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Ёғни мешкобига, хурмони идишига қайтаринг, чунки мен рўзадорман», дедилар. Сўнгра уйнинг бир четига ўтиб намоз ўқидилар.

Умму Сулайм: «Ё Расулаллох, Анас учун хос дуонингизга эҳтиёжим бор», деди. Шунда Набий соллаллоху алайҳи васаллам дунёю охиратнинг бирор яхшилигини кўймай, «Аллоҳим! Уни молу давлат, авлод-зурриёт билан ризқлантир ва унга барака бер», деб ҳаққимга дуо қилдилар.

Мана, мен ансорларнинг энг бадавлатлариданман. Менга қизим Умайна айтиб бердики, Ҳажжож Басрага келганда пушти камаримдан бир юз йигирма нечаси дафн қилинган* экан».

* Дуонинг ижобати туфайли Анас розияллоху анху нафақат бадавлат ва серфарзанд бўлиб кетган, балки шу билан бирга умри ҳам узок бўлган экан.



Имиллаған
бўра*нинг
йўрғалаб
кетishi

III-жилд, 2309-ҳадис. Жобир ибн Абдуллох розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам билан бир сафарда эдим. Мен имиллаған бўрада эдим. У фақат қавмининг охирида борарди. Набий соллаллоху алайҳи васаллам менинг олдимдан ўтиб қолиб, «Ким бу?» дедилар. «Жобир ибн Абдуллох», дедим. «Сенга нима бўлди?» дедилар. «Мен имиллаған бўрадаман-да», дедим. «Ёнингга таёк борми?» дедилар. «Ҳа», дедим. «Уни менга бер», дедилар. Уни берган эдим, анавини уриб, пўписа қилдилар. Шундан бошлаб у қавмининг олдиға ўтиб олди».

* бўра – сув тортадиган туя.



«Оқ кўзойнакли»нинг кимлигини ҳамма билади. Аксариятимизнинг наздимизда у дунёга ижобий назар солади. Тиканларни эмас, гулларни кўради ва ҳаётдан гул теради ва ҳоказо... Шундоқ экан, келинг, гапни чўзмасдан иккинчи тоифа – қора кўзойнаклилар ҳақида гаплашамиз.

Хўш, улар ким? Апил-тапил жавоб берадиган бўлсак, улар гийбатчилар, ичиқора ҳасадгўйлар ва фитначилар... Тўғрими? Бошқача таърифлашга ҳожаат қолмадими? Бошқача таърифлай оламизми? Келинг, саволни сал бошқача қўяйлик. Дунё давлатлари орасида қандай кўзойнаклилар кўпроқ юксалмоқда, фуқаролари орасида «оқ кўзойнак»лилари кўп мамлакатми ёки «қора кўзойнак» таққанлари кўп бўлган давлат?

Дейлик, барқ уриб ривожланаётган Европа давлатларида ҳукумат халқ билан розичиликда амалга ошираётган ислохотлар йўлидан сал оғишгудек бўлса, бирпасда «қора кўзойнак»лилар танқидни бошлаб юборади ва дарҳол ҳукумат муросаи мадора йўлини излай бошлайди. Бизда эса, саноклигина депутатларни ҳисобга олмаганда, ўзини шу миллатнинг оидинларидан деб ҳисоблайдиган «оқ кўзойнакли»лар «Оч қорним, тинч қулоғим» тамойилини маъқул кўришади. Нега?

Тасаввур бошқа, ҳаёт бошқа

Сурхоннинг олис кишлоғидаги мактабни битириб, Тошкент шаҳрига илк қадам қўйган кунимни эслайман. Телевизордаги гаплар бошқаю, ҳаёт мутлақо бошқа эканини ўшандаёқ англаганман. Бунга анча бўлди.

Пойтахтнинг Жанубий вокзали. Арманими, ўрисми, ишқилиб, кавказбашара бир неча нусха уч қарта ўйнаб кишлоқдан келган авом анқовларнинг пулини «ютиб» олишмоқда. Улардан сал нарироқда икки милиционер хотиржам лимонад ичиб ўтирибди. Ҳалиги тўданинг бошлиқларига миллатдошимиз бўлган маҳаллий киморбозлар ҳам югурдаклик қилиб, ўз миллатдошларини чув туширишда астойдил кўмаклашмоқда. Ногаҳон муштлашув бошланиб кетди, пулини ютқазиб қўйган бир полвонкелбат йигит армани қартабознинг ёқасидан ушлаган ҳам эди, уни шу ерлик йигитлар дўшпослай кетишди. Пулларни чўнтакка урган жиноятчи тўда бирпасда ғойиб бўлдию, уларга ҳамтовоқ бўлган бир кекса ногирон ўрисзабон нусха жабрдийда кийфасига кириб, ҳозиргина поезддан ту-

ди. Роса тўс-тўполон бўлганди ўшанда. Даладан молларни олиб қайтсам, уйда отамнинг дарғазаб нигоҳига рўбарў келдим. «Тинчгина юрсанг бўлмайдими, бир ўзим ўн уч жонни боқаётган бир тракторчи бўлсам. Сенга нима, мактаб қуриладими, қурилмайдими, бошимизга бир бало ёғилгудай бўлса, ким балогардон бўлади? Орқамизда кимимиз бор?..»

Хуллас, таҳририятга ёзган мактубимдан сўнг совхоз раҳбариятининг мактабга муносабати анча яхшиланди. Таъмирга уч баробар мўлроқ маблағ ажратиладиган бўлди. Туман маориф бўлими янги доскалару кўргазмалар

ва уларнинг соясига таъзим қилувчиларни ватанпарварлар санасак, у ҳолда қачон чинакам халқ бўламиз?!

От қайдаю арава қайда?

Ўтган йили «ўзи хон, кўланкаси майдон» бўлган айрим ҳокимларнинг одамлар яшаб турган уйларга бульдозер солишлари ортидан чиққан тўполонлар аввало ижтимоий тармоқларда янгради. «Оқ кўзойнакли» расмий матбуотимиз бу зўравонликларга жимгина қараб ўтирди. Ҳатто банк кредитига қурилган икки қаватли дўконига туман ҳокими ўринбосарининг шахсан ўзи рулга ўтириб, бульдозер солаётганида яккабоғлик тадбиркор чидаб туролмасдан ҳоким ўринбосарига бензин сепаб ёкиб юборди. Биринчи галги вазифаси зўравонликларга қарши курашиш бўлган воқеа жойидаги

суд мажлисини томоша қилдим. Айтиш жоизки, барча суд мажлисларини вилоят ҳокими шахсан ўзи олиб борди. Томонлардан, айниқса, қайнона келину куда-андалардан ажрашиш сабабларини қаттиқ туриб сўради. Ва ариза берган жуфтликларни, ҳатто бирга яшамай кетган эр-хотинларни қайтадан дўқ-пўписа билан яраштириб қўйди.

Албатта, кўпчилик наздида катта савоб иш амалга ошди. Ўртада сарсон тирик етим болаларнинг бағри бутун бўлди. Энди кўпчиликка ёмон кўринсам ҳам ана шу хайрли ишга «қора кўзойнак» билан қараб кўргим келди. Болалик ва ўсмирлик даврим шўро тузумида кечгани боис биламан, бир замонлар эр-хотинларнинг ажрашиш-ажрашмаслиги ҳам, суннату никоҳ, ҳатто бешик тўйлари ҳам раис буваларнинг изни-иродаси билан амалга ошарди. Башарти, раис бува: «Ҳозир

айни пахта мавсуми, ажрашсаларинг, терим суръати пасайиб кетади. Ажрашмайсанлар, вассалом!» деса, ўша эр-хотин учун раис буванинг гапи темир қонун эди. Бу масалага қайтишмас эди. Ёки, «Йиғиштир тўй-пўйингни, сенларнинг тўйинг деб мусобақалашаётган қўшни колхоздан ортда қолиб кетамизми?» деса, биров рози бўлмай кўрсин эди... Не ажабки, орадан шунча вақт ўтиб, мустақиллигимизнинг салкам ўттиз йиллиги арафасида шундан баттарроқ манзарани Андижон вилоятида ўтган ажабтовур суд

мажлисида кўрдим. Ўз вазифасини бажара олмай ўрнини вилоят ҳокими-га топшириб қўйган судья дарғазаб ҳокимнинг кўнглидан чиқиш учунми, ярашишни истамаётган бобош куёвни ва унинг тарафдорларини «синдириш» учунми муҳим маслаҳат беряпти: «Келин ота-онасиникига эмас, хоҳлаган жойига кўчиб, энг қиммат уйни ижарага олиб алоҳида яшаса, биз уни куёвдан ундириб берамиз!..»

Ўша кун қаттиққўл ва баджаҳл ҳокимнинг салобатидан кўрқиб, ҳайдаб юборган келинини қайтариб олиб келишни оғзиполвон, қайсар қайнона ҳам, аллақачонлар янги қайлиқнинг қўйнида ётган куёвтўра ҳам таслим бўлиб зиммаларига олишга мажбур бўлди. Қизиқ, жуда ҳам кизиқ, бундай хайрли ва адолатли ишлар билан ҳоким шуғулланса, унинг ёнида амрига мунтазир бўлиб тавозе билан тик турган судьялару қонун талабини бир четга улоқтириб, ҳокимнинг қовоғига қараб турадиган ҳуқуқбонлар вазифаси қаерда қолади? Эртага ҳокимликнинг қайсидир мулозими вазифасини бажара олмагани учун бир инсоннинг ҳақ-ҳуқуқлари бузилса, ўша фуқаро мана шу лаббайчилардан қандай нажот кутади?

Келтирган бу ҳаётий мисолларимиз дарёдан бир қатра, албатта. Муҳтарам ўқувчиларимизнинг билдиражак муносабатларига қараб ушбу мавзунини бардавом қилиш ниятимиз ҳам йўқ эмас.

Бахтиёр ОЛЛОМУРОД,
журналист

«ОҚ» ВА «ҚОРА»



КЎЗОЙНАКЛИЛАР

ёхуд чинакам халқ бўлишимизга қайси унсурлар халал бермоқда?

қуруллар ажратди. Ўрта ва бошланғич синф ўқувчилари мажбурий хашарлардан халос бўлишди. Аммо, устозлар билан менинг ва отам билан совхоз раҳбарияти орасига анча вақтгача совуқлик тушиб қолди. Яъни, мен ҳушомадгўйлик ҳукм сурган мухит ичида «қора кўзойнакли» кимсага айланиб қолган эдим. Ҳатто терган пахтамини ўн икки варақли дафтарга ёзиб юрган учун ҳам бригадиру табелчининг «қора рўйхат»ига тушиб қолган эдим.

ҳуқуқбонлар ҳам «каттакон»нинг ноқонуний ҳаракатига жим қараб турди. Қараб туришгани ҳам майликуя, бу можарога аралашмаган ўғилларини ҳам идорасига олиб кетишди...

Қачонки, мамлакат Президенти бу кўнгилсиз воқеада ўз мулкани ноилож ҳимоя қилишга мажбур бўлаётган фуқароларни эмас, балки ваколати доирасидан четга чиқиб, зўравонлик қилган ҳокимларни айблаганидан сўнггина, «қаҳрамонлар» бодраб чиқди. Расмий ОАВ ҳам ушбу воқеа ҳақида «тилга кирди». Дўконини зўравонларча бузувчиларга қарши исён кўтарган фуқаро ва унинг айбсиз ҳибс қилинган ўғиллари озод қилинди. Шунингдек, бошқа жойларда уйи, кўчмас мулкларни бузилган ва бузилаётган аҳолига ҳам товон пули тўлана бошлади.

Хўш, юқоридаги воқеаларни эшлагдан мурод нима? Гап шундаки, то ҳануз жамиятимизда ҳар ким ўз ишини, зиммасидаги вазифани сидқидилдан бажармаётгани ёки бажара олмаётганига эътиборингизни қаратмоқчи эдик. Баъзида шунақа ҳолатларни кўриб отлар аравани судраб югуряптими ўзи, дея ўйлаб қоламан. Биласан, от-араванинг эгаси ҳансираб, қора терга ботганча, таранг тортилган арқондан ҳар икки елкаси қийилганча отни ҳам, аравани ҳам тортиб бормаяптими ишқилиб, дейман ўзимга ўзим.

Ҳокимбобо қозию, қози – ижрочи

Бирмунча вақт муқаддам ижтимоий тармоқ канали орқали Андижон вилоятида кечган сайёрми, кўчмаами, хуллас оилавий ажрашишларга бағишланган



Баъзида шунақа ҳолатларни кўриб отлар аравани судраб югуряптими ўзи, дея ўйлаб қоламан. Биласан, от-араванинг эгаси ҳансираб, қора терга ботганча, таранг тортилган арқондан ҳар икки елкаси қийилганча отни ҳам, аравани ҳам тортиб бормаяптими ишқилиб, дейман ўзимга ўзим.

шиб, таланган, юзлари моматалоқ бўлган ҳалиги полвонкелбат йигитни милицияга топшириб юборди. Бирорта ҳам ўзбек ўз миллатдошини ёқлаб гувоҳлик бермади...

Ўша довдираб қолган полвонкелбат кишлоқи йигит хануз ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилолмайдиган миллатдошларим сифатида кўз ўнгимда гавдаланаверади негадир.

Ўқувчилик давримиз пахтаю пилла хашарида ўтар, бу ҳам камдек, еттинчи синфлигимизданоқ беш-ўн нафар муаллим билан мактаб таъмирида малайдек ишлар эдик. «Нега бизларни таълимдан мосуво этиб, пахта далаларида ишлатадиган совхозимиз янги мактаб қуриш у ёқда турсин, ақалли мактабимизни таъмирлаб бермайди?» деб вилоят газетасига хат ёзиб юборсам, таҳририят «райпарткўм»га, «райпарткўм» совхоз директориға юбориб-

Албатта, болалик хотираларимдан иборат бу кечинмаларни майда гаплар дейиш ҳам мумкин. Аммо бундай ҳолатлар гоҳ ундай, гоҳ бундай кўринишда давом этиб келаётгани мени ҳамон қийнайди. Халқимизнинг етмиш икки томирида ва сон-саноксиз ҳужайраларида қолиб кетган бу ярамас кўркувдан қачон кутуламиз?

Ҳозир ҳам бирор хур фикр айтсанг, энг аввало яқинларинг «Тинч юрсанми-йўқми, сендан бошқа ақллилар қирилиб кетганми?» дея оғзингга шапалоқ тортиб юборишади. Юқорида таъриф берганимиз «қора кўзойнакли» фитначиларни, ғаламис гийбатчиларни ҳеч қачон оқламайман, аммо ҳақ гапни айтмоқчи бўлганларни ҳам «қора рўйхат»га қўшаверсагу фақат маддоҳлик қон-қонига сингиб кетганларни кўтар-кўтар қилаверсак, монополист коррупционерларни

Ижтимоий тармоқлар оралаб...

platforma.uz
20 352 подписчика

ОЛМА ФАЛСАФАСИ

(Профессор Ахтам Ўраловдан сабоқ)

«ЛУЛ ХАЛҚНИКИ,
САФСАТА БИЗНИКИ!»

Мана, галати ишларимиздан яна биттаси... Булар нима қилишмоқчи ўзи? Мақсад бюджет ажратган пулни «ҳалоллаш»ми? Умуман тушунарсиз.

Совет давридаги «Билимлар жамияти»нинг вори саналмиш Маънавият ва маърифат маркази менга нима қиларини билмай кенг кўчада кетаётган маслакис одамни эслатади. У одам ёмон эмас, фақат мақсади йўқ.

Олдига мақсад қўйишга, ўзи мустақил ташаббус қилишга кўрқадиган, иложи борича жим юрадиган, қулоғига нима шипшилса, «есть» деб турадиган кишининг, афсуски, жамиятда ўрни бўлмайди...

Қаранг, ўзи карантин ҳолати бўлса, шунча одамни пойтахтдан галалаб вилоятга ҳайдаш ва жойларда тўпирлатиб тарғибот қилиш галати эмасми? Одамларнинг қулоғига шу гап (профессорлар ўқийдиган зерикарли лекция)лар ёқадими ҳозир?!

Олдимизда қиш, кўмир, ўтин ташвиши, бу ёқда жўжикларнинг бурни пирқиллаб турган бўлса... Жуда галатимиз-да, мияга келиб қолган нарсага орқа-олдимизни ўйламай калла ташлаймиз...

Шу тарғиботдан бировнинг тафаккури ўзгариб кетишига ким ишонади?! Ҳатто марказ раҳбариятининг ўзиям ишонмаса керак! Ҳаммаси шунчаки, ишладингми, ишладинг. Ҳисоботни қил-у, юқорига жўнат. Йил охирига келиб, бюджет кўрилади... Менда шундай таассурот қолдириди.

Назаримда, ушбу марказ қатта-қатта улўвор шиорларни «буфер» қилволиб бунақа ҳайбаракалчиликка берилмасдан амалий ишларга ўтиши керак. Тилимиз, тарихимиз, қолаверса, миллий манфаатларимизни белгилашда давлатга кўмаклашиши керак.

Бу ишлар эса одатдагидай жойлардаги одамларга зиён келтиради, холос. Чунки бизда, меҳмон отангдан улўғ, меҳмон келса эшикдан... деган топиб айтилган мақоллар бор. Ҳар доимгидай бу кадрят барибир ишга тушади.

Эҳ, бечора халқ, маънавиятим ўтмаслашиб қолди, деб қачон зорлангандинг сен?!

P/S: Республика Маънавият ва маърифат маркази аллақачон Тошкентдан борадиган тарғибот гуруҳлари учун 300 млн. сўмлик темир йўл чипталари ва 200 млн. сўмлик авиачипталар сотиб олишга шартнома тузибди. Бу тарғибот гуруҳларининг ётоғи, ейиши-ичиши, ҳудудлардаги транспорти ва бошқа харажатларидан ташқари экан. Қойил-ей. Эсиз, халқнинг шунча пули!..

Qishloqlik O'qituvchi
9 ноябрь, 22:22

МЕН СОТҚИНМАН...

Бор билимим, кучимни иқтидорли, ҳалол, илмнинг кадрига етадиган болажонларга бахшида қилиб, уларни келажакда яхши инсон, ўз соҳасининг кучли мутахассиси бўлишлари ҳаракатидаман.

Минг афеуслар бўлсинки, кўпчилик шогирдларим ўқишни битириб, хорижнинг кучли компанияларида, фирмаларида фаолият юритишмоқда. Билимларини, тажрибасини чет давлатлар ривож учун сарфлашмоқда.

Кетишдан аввал олдимга дуо олиш учун келишади. Мен эса ихтиёрий мажбурият остида юрт, миллат келажagini кўзда ёш, кўнгилда армон билан ўзга давлат ривож учун кузатиб қоламан...

Отам Ўрол Синдоров ҳаёти ни муаллимликка бағишлаган. Сухбатларда бадий асарлар қаҳрамонлари сўзларини ўз жойида ишлата биларди. Айниқса халқ иборалари, мақолларини жуда содда ва чиройли шарҳлаб берарди.

Бир куни у киши шаҳардаги квартирамизга меҳмон бўлиб келдилар. Ихчам залда ўтириб, дастурхон қўйгач, мен атрофимдаги ёш болаларимга: «боринглар, нариги уйга ўтинглар, бу ерда «чув-чув» қилманглар» деб уларни чиқариб юбордим.

Болалар чиқиб кетгач, отам мени койиди:

– Ундай қилма, домла, бо-



лалар сухбатимизни эшитсин, сухбатимиздан ўргансин.

Ноқулай аҳволдан қутулиш учун:

– Ўргансалар-ку майли, кўп чувиллаб сизнинг бошингизни котирмасин, чарчаб келгансиз, – дедим.

...Ўша куни кечки овқатдан сўнг отам билан анча сухбат-

лашдик. Гап устида у киши столдаги мева солинган вазадан бир дона олма олиб, қўлида айлантириб, сўнг деди:

– Мана кўраёпсами, бу олма, унинг данаги ичида. У данаги – фарзандини асрайди. Аввало пўстлоғи, кейин мағзи билан асрайди. Мағзидаги охириги томчи сув қолгунча уни асрайди. Шунинг учун бу данакларни эксанг, ундан ниҳол униб чиқади. Болани асрамоқ уни фақат химоялашгина эмас, ҳаётга пишиқ тайёрлаш ҳам, ўғлим. Шунинг учун данаги пишмагунча олмани истеъмол қилиб бўлмайди.

Фармон ТОШЕВ

УЙҚУ ҚОЧГАНДАГИ
МУЛОҲАЗАЛАР

* * *

Қор бобо бирданига бобо ҳолича дунёга келганми ё бола бўлибми?!

* * *

Эгизакларнинг бири ўзининг «режа»да бўлмаганини биладими?! Қайси бири?!

* * *

Мушукларнинг озукаси янаям мазали бўлганини ким аниқлаб берса экан?!

* * *

Нима учун «уф» деганда оғиздан совук, «хоҳ» деганда эса иссиқ ҳаво чиқади?!

* * *

Агар аёл киши «Аёлингнинг маслаҳатини олиб, тескарисини қилгин» деб маслаҳат берса, нима қилмоқ керак бўлади?!

ИНТЕЛЛЕКТ

ФОРОБИЙНИНГ АЖРАЛИБ
ТУРУВЧИ ЖИҲАТИ

Абу Наср Форобий буюк фан арбобларидан саналган. Аллома «Муаллими соний» ёки «Шарқ Арасту-си» деган унвонга сазовор бўлган. Илмлар таснифи ҳақидаги қатор рисоалари дунё цивилизациясида алоҳида эътироф этилади. Буюк алломаларимиз, олимлар қаторида Форобийнинг бир жиҳати ажратиб айтилади.

Савол: Форобийнинг кўпчилик олимларга нисбатан ажралиб турувчи жиҳати нима?


Жавоблар келгуси ҳафтанинг чоршанба кунига қабул қилинади.

Электрон манзил: info@od-press.uz

Telegram: (+998 97) 444-80-84

Газетамизнинг 2020 йил 5 ноябрь 45-сонидан берилган саволнинг жавоби: **Токио – Киото.** Ушбу саволга биринчи бўлиб Самарқанд вилояти Пайариқ туманидан журналист Элёр Холмуродов тўғри жавоб йўллаган.

ЎТКИР НИГОҲ



Маҳмуджон ЭШОНҚУЛОВ чизган сурат.

ЭЪЛОНЛАР

2013 йилда 1-Тошкент педагогика коллежи томонидан Аъзамхўжаева Хадича Саидолим қизига берилган 1826-сон билан рўйхатга олинган К № 4458063-рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

2015 йилда 1-Тошкент педагогика коллежи томонидан Абдуллаева Мадинабону Фарход қизига берилган 1248-сон билан рўйхатга олинган К № 4028523-рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Mustahkam oila — yurt tayanchi

«Оила даврасида» газетаси тахририяти масъулияти чекланган жамияти

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Касаба уюмлари федерацияси Кенгаши;
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши;
«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси;
«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти;
«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси;
Акциядорлик тижорат «Алоқабанк».

Газетада интернет материалларидан ҳам фойдаланилган.
Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0814-рақам билан рўйхатга олинган.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Бош муҳаррир

Ҳуснидин
БЕРДИЕВ

Тахририят манзили:

Тошкент шаҳри, 100000. Амир Темур 1-тор кўчаси, 2-уй.

Тел/факс: 234-83-45. E-mail: info@od-press.uz

Газета тахририят компютерида терилди ва саҳифаланди.

Буюртма: Г-1137
ISSN 2181-6190
Обуна индекси — 193
Адади: 1 644 нуска.
Нархи: келишув асосида.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилган.

Чоп этишга топширилди: 20:00

ISSN 2181-6190



1 2 3 4 5 6